O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 3 (517)
2007-yil 17-yanvar

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 100 йиллик тегирмон



Бойитилган уннинг қадрини аҳоли тўғри тушуниб, кенг миқёсда истеъмолга кириб борсагина, йиллар ўтиб темир танқислиги анемиясини бартараф қилиш мумкин.

3 Ойни этак билан ёпиб бўлмайди

Буларнинг барчаси таҳлилчилар томонидан билдирилаётган хулосалар тўғрилигини кўрсатмоқда: Ватикан халқаро муносабатлар борасидаги сиёсатини жиддий асосда қайта кўриб чиқиши керак. Акс ҳолда, мавжуд бўшлиқлар яна кўп нохушликларга олиб келиши мумкин.

4 «Мусиқа экологияси»

Айрим хореографларимиз кашф этаётган "хоразмча ракс"ларда эса миллий санъатимизга хос майинлик, нафислик, андишалилик, юксак рух ўрнига Ғарб санъатининг паст, енгил йўналишларига хос бўлган беҳаёлик аломатлари бордек туюлади.

HURRIYATга
2007 йил учун обуна йил бўйи давом этади.
Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!
Нашр кўрсаткичи — 233

Эҳтиром

Қутлуғ қарор, муборак маърака

Янги 2007 йил бошларида мамлакатимизнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида унутилмас бир воқеа рўй берди. Республика Вазирлар Маҳкамаси ўзбек халқининг улуғ фарзандларидан бири, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳар туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Юртбошимизнинг имзоси билан музайян бўлган бу қарор адабий ва илмий жамоатчилигимиз томонидан нафақат Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий фаолиятига берилган катта ҳурмат ва эътибор, балки умуман ўзбек адабиёти ва маданияти равнақига таъсир кўрсата оладиган муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

Нафақат мустақиллик даврида, балки ўтган асрнинг 60-90-йилларида туғилган авлодлар ҳам Абдулла Қаҳҳорни яхши биладилар, дейиш қийин. Негаки, Абдулла Қаҳҳор сингари ҳақгўй ёзувчиларни кўрмай, уларнинг халқ ва адабиёт манфаатини кўзлаб айтган оташин сўзларини эшитмай туриб, улар тўғрисида ёрқин тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас. Ана шундай бир вақтда улар таваллудининг 100 йиллигини миллий маданиятимиз байрами сифатида нишонлаш, асарларини нашр этиш, уларнинг порлоқ образларини яратиш катта маданий ва маърифий аҳамиятга эгадир.

Одатда яхши асарлар яратиш, халқ дилининг таржимони бўлиш ёзувчининг асосий вазифаси ҳисобланади. Абдулла Қаҳҳор бу оддий ҳақиқатни тан олмайдиган, ёзувчи олдига янада катта вазифаларни қўядиган ижодкор эди. У адабий-танқидий мақолаларининг бирида: "Ёзувчининг вазифаси яхши асарлар ёзиш, халқ дилининг таржимони бўлиш билангина чекланмайди, унинг вазифасига адабиётни ҳар қандай бало-қазодан қўриқлаш, адабиётнинг сергак ва жасур посбони бўлиш ҳам киради", деб ёзган эди.

Биз, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб жонли адабий ҳаётни кузатиб келаётган кишилар, шуни яхши биламизки, Абдулла Қаҳҳорнинг Ёзувчилар уюшмаси минбарига чиқиши билан баланд-паст нутқлардан чарчаган зал бирдан сукунат оғушига ғарқ бўлар, сўнг адибнинг юракдан жон куйдириб айтган ҳар бир сўзидан ларзага келарди. У ана шундай йиғин ва ижодий учрашув, суҳбатларда, шунингдек, адабий-танқидий мақолаларида қаламкаш биродарларини юзхотир қилмай, аксар ижод аҳлининг кўзини эса мошдек очиб, ўзининг ёзувчи сифатидаги адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш, уни ҳар қандай бало-қазодан қўриқлаш вазифасини қойилмақом қилиб бажарар эди.

Абдулла Қаҳҳор аввало ўзига ўта талабчан ноёб ёзувчилардан эди. У ана шу фазилати туфайли қарийб ҳар бир ҳикоясини шу жанрнинг шоҳ намунасига айлантирди. Агар у шундай талабчанлик фазилати билан ҳайкалтарош бўлганида кўплаб мармар тошларнинг уволига қолган бўлармиди.

Агар Абдулла Қодирий Ўрта Осиё халқлари адабиётида роман жанрига асос солган бўлса, Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётида ҳикоянавислик мактабини яратди. Кичик бир ҳикояда бутун бир давр руҳини ифодалаш, қаҳрамоннинг китобхон ёдида абадий қолувчи ёрқин образини яратиш, ҳикоя тили ва услубини заргарона ишлаш – Абдулла Қаҳҳор ҳикоянавислик мактабининг асосий белгиларидир. Ана шу белгиларни ўзида мужассам этган "Ўғри", "Бемор", "Даҳшат", "Минг бир жон" сингари ўнлаб ҳикоялар адибнинг машҳур жаҳон ҳикоянавислари билан бир сафда туради, дейишимизга тўла асос беради.

Абдулла Қаҳҳор адабиётимизнинг қисса, роман, комедия сингари бошқа жанрларида ҳам ўчмас из қолдирди. Адиб ижодининг бу биллур қирралари ҳақида кейинчалик, насиб қилса, ўрни билан сўз юритамиз. Аммо мазкур қарор муносабати билан айтиш зарур бўлган масалалардан бири Абдулла Қаҳҳор асарларининг бетакрор тили, тасвир услубидир.

Ёзувчи қанчалик ҳаётий тажрибага эга бўлмасин, агар тили нўноқ, услуби ғариб бўлса, асарлари севиб ўқилмайди. Абдулла Қаҳҳор фақат бадиий асарларида эмас, балки оғзаки нутқларида ҳам теша тегмаган образлар, ташбеҳларни топишга, бадиий фикрни китобхонни лол қолдирадиган услубда ифодалашга моҳир эди. Ёзувчиликнинг ана шу бирламчи шартлари ундан абадий гўзалликни яратишни талаб қилади. Адибнинг ишончига кўра, гўзаллик ҳар хил бўлади: "Кечаси қоп-қора осмонда оловли из қолдириб учган юлдуз ҳам гўзал, кундузи гулдан-гулга қўниб юрган капалак ҳам гўзал. Учган юлдузнинг гўзаллиги бир лаҳзалик – бебақо гўзаллик, гулдан гулга ҳаёт ташиб юрган капалакнинг гўзаллиги абадий гўзалликдир". Абдулла Қаҳҳор бутун ижодий умри давомида ҳаётдаги ана шу абадий гўзалликни кўришга ва асарларида бетакрор маҳорат билан тасвирлашга интилди. Унинг асарлари ана шу абадий гўзалликни ўзида муҳрлаб қолганлиги билан жозибалидир.

Абдулла Қаҳҳор ўзининг заргар адиблиги билан нафақат ёшлар, балки катта ёшдаги ижодкорларга ҳамиша ибрат бўлиб келган. У билан қарийб тенгдош бўлган хассос шоир Миртемир қаламкаш биродарининг 60 йиллиги муносабати билан ёзган "Китобхон сўзи" номли табрикномасида бундай деган эди: "Абдулла Қаҳҳор қаламга олган ҳаёт лавҳалари, характерлар тимсоллар, тўқнашувлар ва, айниқса, тил ишонгулик, реал ва ибрат олгулик, эсда қолгулик, чинакам санъат асарларидир. Шу жиҳатдан оғиз тўлдириб айтсак, ярашгулик, заргар, пурҳикмат, билгич ёзувчилардан бири Абдулла Қаҳҳор – фахрлансак бўлади!"

Агар адабиётимизнинг Миртемир сингари намояндалари бугун ҳаёт бўлганларида Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллигини нишонлаш ҳақидаги ҳукумат қароридан ғоят илҳомланган ва қаламкаш биродарлари ҳақида дил сўзларини айтиб яйраган бўлардилар. Умид қиламизки, улар айтишлари мумкин бўлган фикрлар барҳаёт адиб ва олимлар томонидан, албатта, айтилади. Зеро, Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллик тўйи улуғ адиб ҳақида, адабиётимизнинг бугунги ва эртанги ривожланиш йўллари ҳақида ўйлаш ва сўйлашга озиқ берадиган қутлуғ маъракадир.

Жавоб

Доимий назоратга олинади

Зойир МИРЗАЕВ,
Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари

Газетанинг 2006 йил 27 декабрдаги сонида журналистлар А. Ҳайитов ва У. Сирожевнинг "Зиёратнинг ҳам одоби бор" сарлавҳали мақоласида шу куннинг энг долзарб масаласи — муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга нисбатан ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлиш ҳақидаги муаммолар кўтариб чиқилган.

Мақола вилоят ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилди ва унда тилга олинган фактлар тўғри ёритилган деб топилди. Имом Исмоил ал-Бухорий мажмуаси маъмуриятига зиёратгоҳни ободонлаштириш, доимий равишда тоза-озода ва саранжом-саришта сақлаш бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, зиёратга келувчи фуқаролар, хусусан, янги турмуш қураётган келин-куёвларга кийиниш, ўзини тутиш ва зиёратнинг бошқа одобларини эслатувчи эслатма ёзиб, кириш жойларига кўринарли қилиб осиб қўйиш юклатилди. Видео ва фототасвирга олишни амалдаги қоидаларга риоя этган ҳолда тартибга солиш бўйича ички ишлар ҳамда солиқ идораларига топшириқ берилди.

Барча шаҳар ва туманлар ҳокимликларига, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар ва туманлар бўлимларига, вилоят имом-хатиблигига вилоятдаги бошқа зиёратгоҳларда ҳам ана шундай тартиб-интизомни жорий этиш юклатилди. Вилоят ҳокимлиги ушбу топшириқларнинг бажарилишини доимий равишда назорат қилиб боради.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади

Кузатув

Мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожида матбуотнинг ўрни беқиёс. У ёки бу воқеликка одамлар эътиборини қаратиш, жамоатчилик фикрини шакллантиришда матбуотдек қудратли восита йўқ. Буни тарих ҳам, бугунги кундалик ҳаёт ҳам тасдиқлаб турибди. Шунинг учун уни бутун дунёда норасмий бўлса-да тўртинчи ҳокимият деб эътироф этилади. Аммо ОАВ қонуний ҳуқуқларидан қай даражада фойдаланяпти, жамият олдидаги ўз бурчини не чоғлик адо этяпти? Бу каби саволларга ўзим билан ўзим суҳбат қуриб жавоб изладим.

Ўзим билан суҳбат

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

— ОАВнинг асосий вазифаси нимадан иборат?

— Мамлакат ичкариси ва дунёда рўй бераётган воқелик ҳақида холис ахборот тарқатиш билан жамоатчилик фикрини шакллантириш.

— Нега холис сўзига урғу бериб гапиряпсиз? Нима, ОАВ нинг фаолиятида холислик етишмайди, демоқчимисиз?

—Йўқ-йўқ. Масалага бошқачароқ ёндашув керак. Яъни, айтмоқчиманки, ОАВ воқелик ҳақидаги ахборотни кимгадир ёқиш-ёқмаслигига қараб эмас, балки жамият манфаати нуқтаи назарини кўзлаб тарқатиши лозим. Бугун, масалан, Фарғона вилоятида улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айрим саноат корхоналарида, баъзи фермер хўжаликларида муҳим муваффақиятларга эришиляпти. Булар ҳақида ҳамиша ҳар бир ОАВ завқ-шавқ билан ёзиб келмоқда. Аммо ҳаёт фақат шундай манзаралардан иборат эмас. Фарғона вилоятида нега бир пайтлар катта кредит олиб қурилган "Полиамид-6" ёки целлюлоза ишлаб чиқариш корхоналари тўхтаб турибди? Унинг бизнес режасини тузганлар кимлар эди ва корхоналарнинг бугунги иқтисодий таназзули учун нега жавоб бермаяптилар? Халқаро молия институтларидан олинган кредитни бугун ким, нима ҳисобидан тўлаяпти? Бугун, айниқса, қишлоқларда ёшларни, эркакларни кам учратасиз. Уларнинг иш излаб юрганликларининг сабаби нимада ахир? Ҳаётга қора кўзойнак билан қараш керак, демоқчи эмасман. Лекин бу муаммолар шу биз яшаётган замон ва жамият учун долзарб эмасми? Нега ОАВ уларни четлаб ўтмоқда? Мен холислик деганда воқеликларни тўлақонли, борича ёритишни назарда тутганман.

Давоми 2-бетда.

Муносабат

«Ўзбекистон» телерадиоканали орқали намойиш этилган "Шахсий фикр" кўрсатувининг навбатдагисида бешик масаласи муҳокама қилинди. Кўрсатувни бироз кечикиб кўрганлигим боис бешик ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган аканинг исм-шарифини билолмай қолдим. У кишини шартли равишда муаллиф деб номладим.

Муҳиддин МИРЗААҲМАД

Бешик жазо анжоми эмас

ёхуд хориж ТВсига тақлидчиликнинг хунук оқибатлари

Мухлис сифатида, "Шахсий фикр" ҳақидаям шахсий фикримни баён этишни лойиқ билдим. Кўрсатувнинг номланиши "Шахсий фикр" экан деб, алжираб-валжирашлар ҳам намойиш этилаверадими? Мавзу танлашда юз минглаб томошабинларнинг умумий дунёқараши салмоғини эътиборга олиш унутиб қўйилмаса эди. "Шахсий фикр"ни биз тор доирада, масалан, чойхонада билдирсак, балки ўринли бўлар. ОАВда фикр айтиладиган бўлса, сал "у ёқ-бу ёққа" қараб, савияни чархлаб, энг муҳими, омма томонидан эътироф этиладиган, одамларнинг ғашини келтирмайдиган мавзу танланса, ҳаммабоп кўрсатув бўларди-да! Акс ҳолда... Масалан, Россия телеканалларининг (афсуски, бизнинг телеканаллардаги кўрсатувларнинг мазмунида, ҳатто сухандонларнинг ўзини тутишида Россия телеканалларидан олинган нусхачилик — тақлид яққол намоён бўлиб туради. Буни "Ўзбекистон" телерадиоканалидаям кўриш мумкин, "Ёшлар"даям. Тақлид синдроми аломатлари бор... Энг кулгили томони, Россия телеканалчилари чет эллик ҳамкасбларига тақлид қилишади — нусха кўчиришади. Бизникилар эса... Хуллас, булар алоҳида мавзу. "Пусть говорят" кўрсатувида умрининг 50 йилини эркакликда ўтказиб, бундан буён "аёл"га айланишни хоҳлаб қолган ва жарроҳлик йўли билан ниятига етган кимса муҳокама қилинди. Кўрсатув иштирокчилари ўша қаҳрамонни оқлаб мулоҳазалар айтишди. Кейин маълум бўлдики, қаҳрамонни ёқлаб фикр айтганларнинг ўзлари ҳам "ўшанақа" тоифадагилар экан. Умуман хунаса касаллиги ҳаётда учраб туради. Яъни шундайлар йўқ эмас, бор! Ана шу (хунаса)ни кенг оммага тарғиб (ҳа, айнан тарғиб!) қилиш шартмиди? Бундайлар ўн мингтадан биттадир, юз мингтадан биттадир. Савияси, кўрсатув мавзусини қарангки, шуни ОАВда намойиш этиляпти?! Дарвоқе, "аёлга айланган эркак"дан нафратланганлар ҳам бўлди. Негадир, бундай қарашларни камроқ намойиш этишди. Савол туғилади: бу кўрсатувни тайёрлашдан мақсад нима? Омма эътиборини (хунасаларга) жалб қилишми? Ёки "Шахсий фикр"ни шакллантиришми, одамларни "теран" фикрлашга жалб қилишми, "қойил" қолдиришми? Саволлар кўп, жавоб эса битта: бу — ахлатхонани титкилаб, унинг ичидан хўшбўйликни ахтаришдан бошқа нарса эмас!!! Ахир, кўрсатувда бир неча йил эр-хотин бўлиб юрган жуфтларнинг бири — "эр" ўз хотинини "дугонам" дея мароқланиб эътироф этди ва бу эътироф кўрсатув иштирокчиларининг олқишлари билан "бойитилди".

Юқоридаги мулоҳазалар ўзимизнинг "Шахсий фикр"имизга ҳам қисман тааллуқли. Кўрсатувнинг номи мазмундор. Жорий этилганиям эътиборга лойиқ. Бироқ мавзу танлашда, кўрсатувга таклиф этилаётганларни саралашда қовун тушириб қўйилмаса эди, янада яхши бўларди.

Чунки кўрсатувда иштирок этаётган шахс, аввало, кўтарилаётган мавзунинг миридан сиригача тасаввурга эга бўлиши керак. Ҳолбуки, муаллиф бешикни бола учун нуқул маҳкам боғлаб қўйиладиган "жазо анжоми" ўлароқ талқин қилиб ўтирибди. Муаллиф ўзича: "Мен бешикка қарши эмасман, боланинг узоқ муддат бешикда ётиб, қолиб кетишига қаршиман", деган мазмунда гапирди. Демак, муаллиф бераҳм, бешафқат, ўз чақалоғини боғлаб азоблаб, роҳатланадиган "маняк-она"лар учун ўзининг "қимматли" ва "камёб" фикрларини билдирибди-да. Бу ўринда муаллифнинг фикри жуда ўринли. Аммо фикр юритиб кўрсак: ҳатто, умуман саводсиз она ҳам (агарда у ваҳший бўлмаса) бешик ёшидаги боласининг кун тартибини ёддан билади. Бешикдаги бола йиғлайвердими, демак, унинг уйқуси пишган — бешикдан ечиб олинади. Ухлайдиган вақти келганда эса яна ҳархаша бошланади — бешикка белаш вақти келганидан дарак. Яна бир бор алоҳида таъкидлаш жоизки, фарзандидан воз кечмаган она ҳар қайси шароитда ўз фарзандини бешикка боғлаб узоқ муддат чирқиратиб қўймайди. Қолаверса, бешик бу фақатгина боғлаб қўйиш жиҳози эмас. Муаллиф умри мобайнида лоақал бир марта бешикни кўрган бўлса — бешик тебранувчи мослама эканлигигаям иқрор бўларди. "Кўрганман, бешикда ётганман" деган иддаодаги "мутахассис" зинҳор ва зинҳор бешикдан эҳтиёт бўлишга чорлаб жонбозлик кўрсатмаган бўларди. Бу мавзуга илмийроқ ёндашилганда эди, кўрсатувдаги шахсий фикрларга ўрин қолмасди. Мисол учун мана бундай: чақалоқни оёқ-қўлларини равон қилиб тўғрилаб бешикка беланади. Дейлик, у йиғлади, онаси эмизади. Бунда овқат ҳазм қилиш жараёни ҳеч қандай зўриқмайди, чунки она сути — бу сомса, кабоб, қазиқарта каби ошқозонни зўриқтирадиган маишатлар эмас. Борди-ю, боланинг қорни тўқ бўлса, у эммайди. Шунда она аллалаб, аста бешикни тебратади, ҳа, бешик бир маромда (ритм билан) тебранади. Бу тебранишнинг, алланинг чақалоқ онгига, оромига ижобий таъсирини фаҳмлаш учун физикани, биологияни яхши билиши керак одам. Бинобарин, бир маромдаги қайтарилувчи тебраниш ва алла бўлажак теран фикрли, зукко, илиги тўлиқ шахснинг тамал тошидир. Шу тариқа бола уйқуга кетади, вақти келиб, тиниқиб уйқуга тўйиб ором олган бола уйғонгач йиғлайди. Она яна эмизади, тебратади, борди-ю, боланинг уйқуси чала бўлган бўлса, яна ухлайди. Акс ҳолда йиғлайди. Энди бешикдан ечиб олиш фурсатидан дарак бу. Бешикдан олинган, тиниқиб ухлаган боланинг кўзлари чақнаб, эркин ҳаракат қилади. Хулоса қилайлик-чи, шу жараёнларнинг қай бири болага салбий таъсир кўрсатади? Муаллиф эса ўз "билимдон"лигини намойиш этиш билан овора.

Ўша кунги "Шахсий фикр"дан кейин онамларга бешикнинг зарари ҳақида мурожаат қилдим. "Олти нафар ўғил-қизни — ака-сингилларинг ҳаммангиз бешикда ётгансизлар. Бирорта суягинг маймоқми, ўзингга бир қара-чи? Ким бешикка тил теккизган бўлса бекоргинани гапирибди. Бешик боласи — бек боласи, деган нақл қадимдан бор..." дедилар онам шахсий фикрларини изҳор қилиб.

Кўрсатувдаги мавзуга доир саволни болалар шифокори-педиатр ҳакимга айтдим: "Ука, биз ўқиган тиббий рисолаларни биронтасида бешик ҳақида умуман гап йўқ. Гапни индаллоси шуки, у пайтлар наинки бешик, балки суннат (хатна) қилдириш ҳам эскилик сарқити ҳисобланган ва булар қаттиқ қораланган, қатъий тақиқланган..." — дейди ёши элликдан ошган суҳбатдошим. — Бешикнинг зарари ҳақида саҳифа-саҳифа мақолалар эълон қилинарди.

Ҳа-а, мана қаерда экан, муаллифнинг куйиб-пишиб бешикдан "хавотир" олаётганининг бош омили. "... Анъана бугун шаклланган эмас, анъана кеча ҳам шаклланган эмас, у аввалги кун шаклланган. Бу, демак, ўша анъанада аввалги куннинг акси бор... Унга танқидий қарашни билишимиз керак. Миллатнинг етуклиги ўзига танқидий қарай билишида белгиланади. Танқидий қарасак, бизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллардан қутулишимизга, тараққиётимиз тезроқ бўлишига имконият туғилади", — дейди муаллиф.

Давоми 2-бетда.

Тақдимот

Таназзул

Фаррух ЖАББОРОВ

Миллий академик театрида Дилбар Маҳмудованинг "Ярим аср ёнма-ён" номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

— Бу жанрда ёзилган кўпгина асарларни биламиз, — дейди ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад. — Ҳабибулло Қодирийнинг "Отам ҳақида", Зарифа Саидносированинг "Ойбегим менинг", Кибриё Қаҳҳороваинг "Чорак аср ҳамнафас" каби китобларидан "Ярим аср ёнма-ён"нинг фарқи шундаки, асарнинг муаллифи ҳам, қаҳрамони ҳам орамизда. Бунақаси кам учрайди ва шуниси билан китоб адабиётимизда янгилик бўлди...

Сўзга чиққанлар Абдуҳошим Исмоиловнинг "Бир-биримиздан бехабар бу дунёдан ўтиб боряпмиз" деган гапларини бот-бот эслашди. Эътироф этилганидек, "Ярим аср ёнма-ён" эссе-қиссаси кимлар биландир ярим аср, кимлар биландир ундан кам ёки бироз кўп ёнма-ён яшаб келаётган Тилаб Маҳмудовни барча учун қайтадан кашф этиб берди; "Ўзбек зиёлиси ҳам қандай яшашни билади" деган гапнинг яна бир исботи бўлди.

Китоб тақдимоти ярим аср ёнма-ён ижод қилиб келаётган Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудованинг қаламига мансуб "Омонат дунё" спектаклининг премьерасига уланиб кетди.

Давоми 2-бетда.

Бешик жазо анжоми эмас

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Эътибор берсак, мавзу бешик ҳақида бўляпти. Яъни болани бешикка белашдан воз кечсак, ўзбек миллатининг тараққиёти тезлашади деган маъно бор. Муаллиф: "Мен бундай демокчи эмасман", дейиши мумкин. У ҳолда юқорида баён этилган фикрда мантиқ борми ўзи?

Бутун кўрсатув мобайнида муаллифнинг аросатдаги мулоҳазалари сезилиб турди. Иштирокчиларнинг "Сиз шундай, шундай, дедингиз", деган эътирозига муаллиф жавобларидан: "Мен шундай, шундай, деганим йўқ, шундайроқ, шундайроқ дедим, холос" қабилидаги маъно келиб чиқди. Мақсад бешикни инкор қилиш ёки қисман инкор қилиш! Бундайин аросатга, ниҳоят психолог аралашиб нуқта қўйди. Бинобарин рисоладагидек "қовун туширди". Яъни учинчи иштирокчи, психологнинг фикрича, "...тиббиётчи (кўрсатув иштирокчиси) сифатида (Матлуба Шарипова) бешикка бутунлай қарши туриши керак эди..." Шу фикрдан сўнггина бешикнинг "эскилик сарқити" эканлиги маълум бўлди ва мавзуга ойдинлик киритилди.

Кўрсатув аввалроғида муаллиф "бешик тарихига бир назар ташлаб", у юз йилми ёки икки юз йилми аввал пайдо бўлгани номаълумлигини, Форобий ва Навоийларнинг бешикда ётган ётмаганлиги масаласи мавҳум эканлигини иддао қилганди. Ўша долзарб мавзуда гапира туриб, бу қадар юзаки фикрларни билдириш ўзини билган одамга эп эмаслигини ҳам эслатиб қўймоқчимиз. Тарихга назар солсак, Форобий ҳам, Навоий ва бошқа алломаларнинг ҳам бешик боласи бўлишгани аниқ, бундан минг йиллар аввал ҳам бешик бўлганлиги маълум бўлади. "Бешикдан қабргача илм изла" (арабчаси «лаҳди илал маҳди...») ҳадисини олайлик. Бундан 1400 йил аввал айтилган гап бу. Йўргак ёки бошқа маънодаги (масалан беланчак) атамаси қўлланилганда эди, албатта: "Йўргакдан, беланчакдан ёки чақалоқликдан то қабргача илм изла", дейилган бўларди. Бу мулоҳазага шубҳа билдирадиган бўлсак, мана бунисини нима деб изоҳлаймиз:

Қадам урдию тарки маҳд қилди,
Қўюб эмгак, юрурга жаҳд қилди.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" асаридан олинган бу мисралардаги "маҳд" сўзи бешик маъносини беради. Эмгак — эмаклаш, юра бошлаш маъносини билдиради. Ҳа, бешик ана шундай жуда қадимий жиҳоз, қулайлик. Унда минг бор ҳикмату файз мужассам.

Муаллифнинг: "... анъанада аввалги куннинг акси бор... Унга танқидий қарашни билишимиз керак... Шунда тараққиётимиз тезроқ бўлишига имконият туғилади", деган фикрлари советчилик назариясидан бошқа нарса эмас!!! 75 йилдан зиёд вақт мобайнида танқид билан қарадик ўзлигимизга — жадал тараққий этдикми? Ҳозирги кунда ҳар жиҳатдан тараққий этишимизга ғов-тўсиқлар, иллатлар, "Шахсий фикр"да кўтариб чиқишга лойиқроқ мавзулар озмунчами? Бола тарбияси бобида гап кетганда унга меҳр-оқибат, фаҳм-фарасат, зийраклик, эзгу хислатлар она сути орқали сингади, дейилади. Буни тиббиёт фаниям, бошқасиям тасдиқлайди. "Фигурам" бузилади деб, боласини қасддан эмизмаётган, "тараққий этган" оналар ҳақида, суньий сутнинг бола физиологияси, психологиясига салбий таъсири ҳақида нега муаллиф лом-мим демайди. Нега психолог бу мавзуларни "Шахсий фикр" орқали кенг оммага кўтариб чиқмайди? "Ҳаром луқма ва боланинг феъл атвори" мавзусиям долзарб-ку? "Ўзликми ёки тақлид?" "Бебурдлик" мавзулариям бор.

Муаллиф ўрни келганда, "у пайтлар памперс бўлмаган", дея памперсни алоҳида таъкидлаб ўтди. "Памперс"нинг болага таъсири, ҳатто уни келажакда бепушт қилиб қўйиши мумкинлиги ва қатор бошқа зарарлари ҳақида газетада ўқигандим. Муаллиф эса памперс ҳақида энтикиб гапиряпти. Ўзлигини унутган одамга ўзлигидан бошқа ҳамма нарса "сеҳрли" ва "жозибадор" кўринаверади, туюлаверади!!!

Яна матбуот хабаридан маълум бўлгандики, англияликлар Ўзбекистондаги бешик усталарини ўз юртларига таклиф қилишибди. Мақсад инглиз оиласидаям бешикни жорий қилиш. Чунки инглиз ортопедлари бола суягининг бир текис ўсишида бешикнинг аҳамиятини яхши баҳолашган, тагининг қуруқ бўлишиям диққатга сазовор. Бошқа яна кўплаб фойдали жиҳатлари инглизларни ўзига ром этибди. Инглизлар бешикни ҳавас қилиб турган бир пайтда, буни қарангки, ўзи болалигида бешикда ётган ўзбек муаллифи бешикдан эҳтиёт бўлинг дея бонг урмоқда ва бу билан гўёки нечоғлик "тараққийпарвар" эканлигини кўз-кўз қилмоқчи. Психолог эса бешикнинг нақ қушандаси сифатида намоён бўляпти. Бундайин "психологу мутахассислар"нинг ўрни қаердалигининг ўзиям муҳокама қилишга лойиқ, энг зўр, замонанинг энг долзарб мавзуларидандир! "Шахсий фикр"га бизнинг шахсий фикримиз шуки, бунақанги муаллиф ва психологлардан эҳтиёт бўлиш кони фойда. Улар билан ҳамфикр бўлиш тараққиётга эмас, билъакс муқаррар залолатга етаклайди одамларни! Кўрсатув иштирокчиларининг 20 фоизи улар билан ҳамфикр эканлигини билдирди. Ўша 20 фоиз ичида ҳали турмуш қурмаган, келажакда она бўладиган ёшларнинг борлиги ачинарлидир. Чунки энди улар боланинг "физиологик-психологик" ҳолатидан хавотир олиб бешикдан воз кечишлари мумкин?!

Хулоса шуки, Ватан туйғуси, юрт ишқи, миллат қайғуси бешикнинг бир маромда тебраниши баробарида шаклланади. Юксак заковат, илм, эътиқод туйғуси, эзгу фазилатларга ҳам бешикнинг дахли бор. Муаллиф кўрсатувда эътироф этганидек, "Қолган 99 фоиз миллат бешикда ётмаган-ку.." деган эътирозга келсак, чамаси осиёликлар ер юзидаги миллатларнинг атиги 1 фоизини ташкил этмаслиги аниқ. Сал мулоҳаза билан ҳисоб қилиб фикр айтилса, айниқса, ОАВдаги чиқишларда, жуда ўринли бўларди! Қолаверса, "Нур — Шарқдан" эканлигини ўша бешикда ётмаганлар ҳозиргача чуқур англаб эътироф этади. Шу билан бирга, Шарқдан — бешикда ётганлар орасидан яна Форобий, Амир Темур, Румий, Насафий, Бухорий, Улуғбек, ибн Синолар етишиб чиқишидан айрим бешикда ётмаганларнинг хавотир олаётгани бор гап.

Бунинг учун миллатнинг қадриятларига янада раҳна солиш, ўзлигидан, бинобарин, ҳатто бешигидан жудо қилиш сари ҳормай-толмаётганлар, бешикда ётганлар каби бутун дунёга нур, ҳидоят, маърифат, илм зиёсини тарқатиш эмас, балки бузғунчилик, уруш, залолат, адоват уруғини сочаётганлар ҳам ўша "99 фоиз"дагилар — бешиксизлар эканлигини унутиб, хотиржам бўлишга ҳаққимиз борми? Бешикда ётмаганлар дунёни тебратса ана шунақа бўлади! Яъники афкор оммaнинг ҳаловати йўқолади!

Таназзул

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

* * *

Залда томошабинларга жой етмай қолди... Одамлар театрга қайтяпти, дейишган эди, ҳақиқатан ҳам, бу таъкид ростга ўхшайди. Ёки икки драматургнинг олдинги спектакли муваффақиятли чиққани учун томошабиннинг муаллифларга нисбатан ишончи ортдимикин? Ёнимда ўтирган, қўлида билети бор опа гап қотади:

— "Умр шомидаги бахт"га ҳам тушганман. Бугун ишга бормайдиган куним эди. Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудоваларнинг спектакли премьераси бўлар экан деб эшитдим-у, келавердим.

... Асар моҳиятини очишга, томошабинга жонли етказишда сўздан устамонлик билан фойдаланилган. Масалан, Қодир бойвачча характери унинг айтаётган гапларидан яққол кўриниб туради. Умуман олганда, ҳар бир персонаж тили ўзига хос. Уларни қоғозга туширмасдан бошқа илож йўқ:

- Осмонга қараб эмас, замонга қараб юр.
- Қўллари ҳам банд, ўйлари ҳам банд.
- Ичингдан тушганини мен кийгизиб қўйган иштонинг кўтарадими?
- Ҳаммаси одам учун дейди-ю, свет ва газни палон пулга сотади. Худди отасининг газини сотиб, онасининг светини пуллаётгандай.
- Қўлимдаги ўн минг, қўйнимдаги ўн минг.
- Тўқлик бошимга тўқмоқ бўлишини билганимда эди.
- Тасодифнинг қаҳри бунчалар қаттиқ.
- Гуноҳи бор одамнинг паноҳи бўлмас экан.

Спектакль муваффақиятли чиқишини асар тили, актёр маҳорати, қизиқарли сюжет, соғлом ғоя билангина изоҳлаб бўлмайди. Бу ерда яна нимадир бор. Парда туширилгандан кейин, тадбир сўнггида муаллифларни табриклашга чиққанлардан Ўзбекистон файласуфлар жамияти раиси, академик Саид Шермуҳаммедов: "Томошабинга нима керак? Унга ҳақиқат керак!" деб, биз излаётган нимадирнинг номини топиб берди.

Спектакль давомида ота ва бола баҳси, улар тимсолида илм ва бойлик, ҳақиқат ва сохтагарчилик, ҳалол ва ҳаром мунозараси бир лаҳза бўлсин тўхтамайди. "Ҳозир раҳбарлар кадр танлашда адашишяпти. Таниш-билишчилик йўлига ўтиб олишган", дейдиган Қодир бойваччанинг ўзи ҳам бу қуролдан ҳаёт йўлларида доимо фойдаланиб келади. Унинг ўғай ўғли Ҳикматжон эса илм, ҳақиқат тарафдори. Асарнинг асосий ғояларидан бири бўлган "Илм хор бўлган жамиятнинг келажаги йўқ" деган гаплар Ҳикматжон тилидан айтилади. "Ўша профессорларингнинг елкасидан силкитсанг, бошидан сиркаси тўкилади". Бу гаплар Қодирбойваччага тегишли, унинг ҳаёти мазмуни пул. Чунки "одамзот пора ва пул эвазига яшайди", "қонунларни пул яратади, пул бузади", деб ўйлайди у. Ҳикматжоннинг ҳам жавоби тайёр: "Бизнинг кунимиз одамлар чўнтак ғамига тушиб қолган даврга тўғри келган". Бу мунозара шу тарзда давом этади: "Бойлик одамга одамдай яшаш учун керак". "Шаҳарни бир айланиб чиқинг, икки-уч қаватли қасрлар кўпайиб кетяпти. Уларнинг бари ҳалол пулга қуриляпти деб ўйлайсизми?" "Демак, халқимиз бойияпти. Бу яхшику!" "Халқ билан бир ҳовуч нопок одамларни фарқлаш керак!"

Ҳикматжон гарчи асарнинг асл моҳиятини ифодалайдиган персонажлардан бўлса ҳам, бироз осмоний образ, адабиётимиздаги оқни оппоқ қилиб кўрсатиш анъанаси маҳсулидай таассурот қолдиради томошабинда. Балки бу таассурот ҳаётимизда бундай оқ кўнгил, фақат илмни дейдиган виждонли одамлар тобора камёб бўлиб бораётганиданмикин? Спектакль давомида яна бир нарса одамга тинчлик бермайди, бу ҳам бизда анъана тусига кириб қолган қарашлардан: илм ва бойлик бир-бирига зид, келишолмайдиган тушунчалар. "Агар шунчалар доно бўлсанг, нега сен бунчалар қашшоқсан?!" деган машҳур савол бежизга берилмагандир. Ахир Навоий анчагина бой бўлган-ку! Ҳатто давлат хазинасига ҳадялар бериб турганлиги ҳақида маълумотлар бор. Балки кейинги даврлардаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа шароитлар халқимиз онгига "Илмли бой бўлолмайди" деган хулосани жойлаб қўйдимикин? Тарих шуни кўрсатадики, бойлари зиёли бўлган, аниқроғи, зиёлилари бой бўлган жамиятгина обод бўлиши мумкин. Чунки жамиятдаги таназзул ҳам, тараққиёт ҳам бойлар қатламидан бошланади. Бу хулосалар Ҳикматжоннинг айтгани "Илм хор бўлган жамиятнинг келажаги йўқ" гапларига ҳам ўхшаб кетади.

... Спектакль тугаганда ўн минутлар чамаси томошабинлар қарсак чалиб олқишлаб туришди десам, ишонасизми? Рост айтяпман, ҳалиям қўйиб беришмади, бўлмаса олқишлар яна давом этарди. Жами ўн нафар актёр (шундан олтитаси ёшлар) саҳнага чиқиб келишди. Кейин саҳна ортидаги ижодкорлар ва ниҳоят муаллифлар Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудова...

Буёғи салкам спектакл вақтига тенг соатлар давомида табрик...

* * *

Дарвоқе, нега таназзул? Илмни менсимай, фақат бойлик ортидан қувган, ҳаётининг мазмуни маишат бўлиб қолган типик бир ўзбек оиласининг таназзулими? Бундайларнинг касофати каттароқ йўқотишларга олиб келмайдими? Таназзул — қулоққа ёқмайди бу сўз.

Ўзим билан суҳбат

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Айтиш жоизки, Юртбошимиз ҳам ҳар чиқиш, ҳар бир маърузаларида мамлакатимиз журналистларини холислик, ҳаққонийликка содиқ бўлиш, ютуқлар баробарида камчиликларни ҳам рўйи рост кўрсатишга ундайдилар. Хусусан, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўлланган табрикларидан бирида Президентимиз Ислом Каримов томонидан қуйидагилар таъкидланган эди: "Албатта, ютуқлар тўғрисида ёзиш керак, кенг жамоатчиликни мамлакатимизда янгиланиш жараёнларидан атрофлича хабардор қилиш зарур... Лекин агар биз олдимизга қўйган мақсад-марраларга тезроқ етмоқчи бўлсак, ўзимиз қураётган адолатли, эркин ва фаровон ҳаётни тезроқ кўрмоқчи бўлсак, аввало, шу мақсадга эришиш, ҳаётимизда демократик тушунчаларни қарор топтириш учун бел боғлаган инсонлардан ўз бурчини, зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этиш талаб этилади. Шу жумладан, жамиятимизнинг барча бўғинларида хизмат қилаётган раҳбарлар ва мутасадди ходимлардан ўз ишини виждонан бажариш, журналист аҳлидан эса уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан, айни вақтда холисона қараш, рўй бераётган камчилик ва нуқсонларни очиб бериш талаб этилади".

— ОАВ мана шу каби муаммоли мавзуларни ёритишига бирор бир тазйиқ ўтказувчи куч борми?

— Ҳали бирор ОАВ раҳбари ёки мухбиридан мен мана бу нарса ҳақида ёзган эдим, унинг чоп этилишига фалончи ёки фалон идора рухсат этмади, деган гап эшитган эмасман. Аммо реаллик шундайки, ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари акс этган мақолалар, телекўрсатувларни ОАВда кам учратасиз. Нега шундай? Баъзилар бунинг сабаби журналистлар ички цензура қобиғидан чиқа олмаётганида, дейдилар.

— Сиз Би-Би-Си, Озодлик, Америка овози каби хориж радиостанциялари эшиттиришларини тинглаб турасизми?

— Аҳён-аҳёнда.

— Нега мунтазам эмас ёки аксинча?

— Дунёда ва Ўзбекистонда рўй берган муҳим воқелик ҳақида мамлакат ОАВларидаги ахборот тақчиллиги ҳолатларидагина мен тўлқинларни радио овозларига созлайман...

— Ва излаганингизни топасизми?

— Қисман ҳа. Аммо мен бу "овоз"лар тарқатаётган ахборотларни шундоғича қабул қилмайман. Уларга танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан ёндашаман. Чунки бу радиостанциялар информацияни уларни молиявий жиҳатдан таъминлаб турган мамлакат сиёсати қарашларига мослаб, бўяб-бежаб тарқатадилар. Масалан, "Озодлик" радиосини олайлик. Айтайлик, Брюсселда, Европа Иттифоқи ҳузурида Ўзбекистондаги аёллар мавқеи масаласида тақдимот бўлди. Унда мамлакатимиздан бош вазир ўринбосари Светлана Иномова раҳбарлигида делегация иштирок этди. Аммо "Озодлик" анжуманда айтилган Ўзбекистондаги аёллар мавқеи ҳақидаги ижобий фактларни эътироф этмайди, аксинча тингловчи эътиборини фақат иш излаб чиққан мардикор аёлларга қаратмоқчи бўлади. Мамлакатимизда шундай муаммо бор. Буни инкор қилиб бўлмайди. Аммо кўчага чиқиб ўз қўл меҳнатини таклиф қилаётган аёллар сони умум аёллар сонига нисбатан ақалли бир фоизни ҳам ташкил этмайди-ку. Ўзбекистон аёллари орасида сенатор, депутат, академик, давлат миқёсидаги раҳбарлар, олиму йирик мутахассислар борлиги, иқтидорли ёш қизларимиз ҳар соҳада қувончли муваффақиятларга эришаётгани ҳам ҳақиқат-ку. Нега "Озодлик" булар ҳақида лом-мим демайди? Радиостанция кундан кун мухлисларини йўқотаётганининг боиси ҳам, менимча, шунда. Информация фақат бир ёқлама бўлмай, такрор айтаман, реал далилларга асосланган, холис бўлиши керак.

— Расмий газеталар обуначилари камайиб бораётгани обунани ташкил этиш билан боғлиқ эмасмикин?

— Дарҳақиқат, муассис ўз газетасининг иқтисодий муаммолари бўлмаслигини хоҳлайди. Бунинг йўлларидан энг самаралиси — нашр обуначиларини кўпайтиришдир. Тажрибадан маълумки, энг камида беш минг обуначи тўплай олган газета ўз-ўзини молиявий жиҳатдан таъминлай олади. Расмий идора нашрларига обуна уюштириш учун топшириқлар, рўйхатлар, ҳатто иш ҳақидан ихтиёрий-мажбурий ушлаб қолиш кампаниялари ҳар йилги одатдир. Ҳолбуки, бундай кампаниялар редакция ходимларининг ижодий изланувчанлигига салбий таъсир кўрсатади. Яъни истеъмолчи (обуначи) бир йиллик газетага аввалдан пулини тўлаб қўйганидан кейин, нашрнинг ҳар сони тиражи муҳаррирни қизиқтирмайди. Газетада нимани ёзсалар ҳам, истеъмолчи олиб ўқишга мажбур. Агар газета очиқ савдога чиқарилса ёки эркин обунага қўйилса, муҳаррир ҳам, ижодий жамоа ҳам маълум тиражни сақлаб қолиш, уни кўпайтириш учун газетанинг ҳар бир сони бир-биридан қизиқарли, ўқишли ва кўркам чиқишига ҳаракат қиладилар. Ҳозир-чи? Фарғона вилоятида Охунбобоев тумани ҳокимлигининг "Истиқбол йўли" газетаси нашр этилади. Унинг бир сонини қўлга олган ўқувчи имоним комил, албатта, кейинги сонларини ҳам кутиб, ахтариб топиб ўқийди. Чунки у мақолаларга ҳарф танлашдан макетлаштиришгача, оддий хабардан таҳлилий журналистик суриштирувгача жонли, жозибалидир. Мана 15 йилдирки, газета ўз-ўзини молиявий таъминлайди, муассисга қарам эмас. Ҳамиша ҳисоб рақамида 4-5 миллион сўм пули ҳам бўлади. Ва унинг қаторига "Қўқон садоси", "Давр овози", "Водил ёгдуси", "Риштон ҳақиқати", "Янги Фарғона", "Марғилон ҳақиқати", "Марказий Фарғона" каби газеталарни ҳам қўшиш мумкин. Улар 4-6 минг нусхада босилмоқда. Аммо вилоят ҳокимлигининг "Фарғона ҳақиқати" газетаси обуначилари 2006 йилда икки мингга ҳам етмаётганининг сабаби рўзноманинг сифати, савияси билан боғлиқ эмасми? Келинг, унинг таҳламларини таҳлил қилиб ўтирмайлик. Оддий бир мисол: газетанинг биринчи саҳифасида ҳатто вилоят ҳокимининг исмини фамилия, фамилиясини исм қилиб босдилар. ("Фарғона ҳақиқати" 2005 й. №67). Ёки Олий аттестация комиссияси берган маълумотга кўра, (Олий аттестация комиссияси раиси К. Султоновнинг 2006 йил 21 сентябрдаги №227 хати) ҳеч қачон, ҳеч қаерда илмий унвон олиш учун диссертация ёқламаган вилоятнинг собиқ ҳокими М. Исломов фамилияси остига: "Иқтисод фанлари доктори, профессор" деб имзо қўйиб нашр этдилар ("Фарғона ҳақиқати" 2006 й №55-57). Булар шунчаки техник хатолар эмас. Газетхонга нисбатан беписандлик эди. Энг қизиғи шундаки, ҳар икки хато учун ҳам вилоят ҳокимлиги ўша пайтда ўз газетасига бирор оғиз танбеҳ ҳам бермади. Сабаби... улар газетани ўқишмаганида бўлса керак.

Ёки Қувасойдек саноати республикада гуркираган шаҳар ҳокимлигининг "Исфайрам" газетаси олти ойдан зиёд вақт нашр этилмай қолгани учун Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т. Жўраевнинг 2006 йил 22 сентябрь №31 буйруғи билан рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинди. Сабаби, муассис ва таҳририят ўртасидаги муносабатлар, редакциянинг иш ҳақидан, босмахонадан қарздорлиги эди. Аммо бу воқеа муассис — шаҳар ҳокимиятида ҳам, вилоят ҳокимлигида ҳам алоҳида муҳокама мавзусига айланмади... "Исфайрам"га обуна бўлган истеъмолчи ҳуқуқлари, уларнинг моддий-маънавий зарарлари ҳақида ҳам бош қотирилгани йўқ.

Энди айтинг-чи, хўш бундай ҳолатлар юз бераверса, эркин обуначи сони нечтага етиши мумкин?

— Нашрлар савияси юқори, қизиқарли бўлиши аввало журналист кадрларга боғлиқ эмасми?

— Бу ҳам ғоят оғриқли муаммо. Фарғона вилоятида 93 та нашр расман рўйхатдан ўтган. Аммо газета таҳририятларига йиллар давомида журналистик маълумотли ёшлар келмай қўйди. Газеталарнинг аксариятида журналистик малакага эга бўлмаган бошқа соҳа вакиллари ишламоқда. Ҳатто вилоят телерадиокомпаниясида 40 дан зиёд ижодкор ходимларнинг атиги 12 таси махсус журналистик маълумотга эгалигини қандай баҳолаш керак?

Журналист кадрлар тайёрлайдиган пойтахтдаги олий даргоҳларнинг Фарғона водийсида бирорта ҳам филиали йўқлиги масалани янада чигаллаштиради. Иқтисод, педагогика, чет тили ва ҳ.к. йўналишда коллежлар сонсаноқсиз. Аммо журналистика асосларини ўргатадиган бирорта ҳам ўрта махсус ўқув юрти ташкил этилмаган. Ҳолбуки, Фарғонада шу соҳага ихтисослашган коллеж очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сир эмаски, миллий мафкура, маънавий тарғибот масаласига давлатимиз раҳбари томонидан ҳар доим ҳам катта эътибор бериб келинган. Бу борада биргина 2006 йилнинг 25 августида қабул қилинган Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорини эслаб ўтиш кифоя. Бу жиҳатдан олганда, миллий маънавиятнинг асосий тарғиботчилари бўлган журналистларни тайёрлайдиган ўрта махсус ўқув юртини ташкил этиш шу куннинг талаби эканини аён бўлмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, ҳар бир замоннинг ўз муаммолари бўлади ва уларни ҳал этиш, аввало, ўша давр одамларининг бурчи. Ниятим — матбуотимиз истиқболига сидқидилдан хизмат қилиш.

Жаҳонгир МИРЗО чизган

Танловга

Барчага маълумки, инсоният соғлиғини асраш дунё бўйича бирламчи ҳисобланади. Шу боисдан ҳам юртимизда саломатлик борасида қилинаётган энг катта ишлардан бири камқонликнинг, яъни темир танқислигининг олдини олиш Миллий дастурининг ишлаб чиқилишидир.

100 йиллик тегирмон

Саломат ҒОЙИБНАЗАРОВА, шифокор

Халқаро анемияга қарши кураш тажрибаларига асосланган, Ўзбекистон ҳукумати ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланган, энг кўп истеъмол қилинадиган 1-навли буғдой унини бойитиш (фортификациялаш) миллий дастурининг жорий қилинганига ҳам бир неча йиллар бўлди. Бу эса аҳоли орасида, айниқса, оналар ва болалар, ўсмирлар орасида темир танқислиги анемиясининг олдини олишда ишонарли, қулай, муддатли ва самарали усул бўлиб келмоқда. Лекин бойитилган ун тўғрисидаги маълумот Республикамиздаги ҳар бир оила ва оила бошлиғи эътиборига сингдими, 1-навли буғдой унини харид қилиб, оила соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилишяптими, деган савол туғилиши табиий.

Чексиз дала-қирларда денгиздек тўлқинланган, мавжланган буғдойзорлар, сўнгра етилиб олтин рангга айланган, жилоланган бошоқлар... Бу манзарани кўрган кўзлар қувонади, завқланади, илҳомланади. Мана шу буғдойнинг дон бўлиб тегирмонга тушганига қадар деҳқонларнинг машаққатли меҳнати-ю, тегирмонда ун, ун маҳсулотлари ва бойитилган ун тайёрлаш замирида қанчадан қанча инсонлар сайъ-ҳаракати ётади. Бундай тегирмонлар эса республикамизда бир талай.



Биргина шаҳримиздаги Искандар Юнусов раҳбарлик қилаётган 1-сон "Ғалла алтеғ" очиқ акциядорлик жамияти корхонасини мисол қилиб олсак.

Ҳар бир гўшаси экологик жиҳатдан топ-тоза бўлган бу корхона 1909 йилдан бери узлуксиз ишлаб, аҳолига ун ва ун маҳсулотлари тайёрлаб бермоқда.

Корхона 1999 йилда ўзининг 90 йиллик байрамини нишонлади. 2009 йилда эса 100 йиллигини кутиб олиш ниятида.

Тегирмонда такомиллашган, автоматик равишда иш бажарадиган дастгоҳларнинг ва уни бошқарувчи, назорат қилувчи инсонларнинг ишини кузатар эканмиз, буғдойнинг ун ва бойитилган унга айлангунича машаққатли йўлларни (буғдойни тозалаш, саралаш, ювиш, қуритиш, майдалаш, элаш ва унни темир моддаси, микроэлементлар, витаминлар билан бойитиш) босиб ўтиш жараёни кўз олдимда содир бўлади. Шу жойда доно халқимизнинг "Ноннинг увоғи ҳам нон" деган мақоли бежиз айтилмагани, ана шу ноннинг увоғида ҳам одамларнинг машаққатли меҳнати ва меҳри борлигини унутмаслик лозимлигини яна бир карра ҳис қиламан.

Айтишларича, корхонада хом ашё муаммоси йўқ. Буғдой асосан Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан келтирилади. Корхонада 1 ойда 5-5,5 минг тонна ун ва ун маҳсулотлари (олий навли ун, буғдой ёрмаси, макарон, 1-навли бойитилган ун) ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлар билан асосан Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, қисман бошқа вилоятлар ҳам таъминланади. Бойитилган ун нон пиширишга корхоналарига (заводларига) алоҳида машиналарда етказиб берилади.

Тегирмонда унни темир моддаси, микроэлементлар ва витаминлар билан бойитиш ускунаси 2003 йилдан бошлаб ишга туширилган ва бу қатъий назорат қилинади. 1 тонна унга қўшиладиган фортификант (бойитма) миқдори 150 граммни ташкил қилади. Фортификант (бойитма) таркиби цинк, миацинамид, рибофлавин, тиамин, фолий кислотаси, сульфат кальций, кремний ва темирдан иборат. Бойитманинг 50% га яқинини темир моддаси ташкил қилади.

Тегирмоннинг узлуксиз ишлаш жараёнига келсак, бунга сабаб жамоанинг кўп йиллардан бери аҳиллиги, технология ва меҳнат интизомининг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги, малакали ишчиларнинг кўплиги, ҳамма ўз ишига масъулият билан ёндашаётганлигидадир.

Бу даргоҳда бойитилган унга нафақат темир моддаси, элементлар ва дармондорилар, ҳатто меҳринида қўшиб ишлаб чиқараётганликларининг гувоҳи бўласиз.

Бойитилган унниг қадрини аҳоли тўғри тушуниб, кенг миқёсда истеъмолга кириб борсагина, йиллар ўтиб темир танқислиги анемиясини бартараф қилиш мумкин.

Бунда тегирмонларнинг ва унда меҳнат қилаётган инсонларнинг ҳиссаси ҳам беқиёс эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Далолат

2007 йилга келиб, Ўзбекистонда уяли алоқа воситаси абонентлари миқдори 2,2 миллион кишига етди. Бу эса юртимиз аҳолисининг 8 фоизи мобил хизматдан фойдаланади демакдир.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

✔ Озарбайжонлик 7 ёшли Н. Ҳасанов Саддам Ҳусайннинг дорга осилиши воқеаси таъсирида ўз жонига қасд қилди. Хабарларга қараганда, бу Ироқ собиқ раҳбари қатлининг оммавий намойиш этилиши билан боғлиқ 9-ўз жонига қасд қилиш ҳодисасидир.

✔ Германия ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайер Россия ва Туркия билан ҳамкорликни кучайтириш Европа Иттифоқининг истиқболи учун муҳим эканини билдирди. Шу билан бирга Германия ташқи ишлар маҳкамаси раҳбари Федерацияда демократия талабларини бажариш борасида маълум ишлар қилиниши зарурлигини таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг январидан бошлаб Германия давлати Европа Иттифоқига раислик қилмоқда.

Тафсилот

Мигрантлар муаммоси ечиладими?

Равшан ТОШМУҲАММЕДОВ

Россия Федерацияси иқтисоди жадал ривожланиб бораётган давлатлар сафига киради. У бир пайтлар Америка муҳожир ишчиларга қўллаган усулни жорий этишга уринмоқда. Америка иқтисоди айнан муҳожир ишчилар ҳисобига шу даражага кўтарилганлиги кўпчилигимизга аён. Ўтган йил охирида Россия Президенти Владимир Путин мамлакатга собиқ шўро давлатларидан келаётган муҳожирлар ҳаётини енгиллаштиришга қаратилган қонунларни имзолаган эди. Мазкур ҳужжатлар шу йилнинг 15 январидан кучга кирди. Бу қонунлар муҳожир ишчиларнинг ноқонуний ва яширинча ишлашларига барҳам бериш ниятида қабул қилинган.

Ҳозирда Россиядаги муҳожирларнинг деярли 90 фоизи ноқонуний тарзда ишламоқда. Бундай ҳолатда муҳожирлар давлатга умуман солиқ тўлашмайди. Бу эса Россия иқтисоди учун катта "минус". Янги қонунларга биноан тегишли ҳақ-ҳуқуқларга, ижтимоий ҳимояга эга бўлган мигрантлар мамлакат ишчилари каби давлатга солиқ ҳам тўлай бошлайдилар.

Мигрантлар учун ижтимоий ҳимоя муҳим масалалардан биридир. Россиядаги рус бўлмаганларга нисбатан муносабат бугун жиддий масалалардан бўлиб қолган. Муҳожирларга нисбатан кўпчиликда стереотип фикрлар мавжуд бўлиб, бунга бир томондан журналистларнинг ҳам айби бор. Чунки улар мамлакатда гиёҳвандлар ва жиноятчиларнинг кўпайишини айнан муҳожирларга боғлашга уринишмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2005 йилда ўтказган сўровида иштирок этган аҳолининг 63 фоизи Россияда жиноятчиликнинг ўсишига айнан муҳожирлар сабабчи дея таъкидлашган. Фақатгина 20 фоиз аҳолигина муҳожирларнинг давлатга манфаат келтиришини айтган.

Кузга бориб Давлат Думаси маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга қатор қўшимчалар киритиб, тартибни бузганларга нисбатан жазони кучайтиради. Янги тартибга мувофиқ, қонунни бузган иш берувчи ҳам, ўзи ҳақида ёлғон маълумот берган мигрант ҳам жуда катта миқдорда жарима тўлашга мажбур этилади.

Турар жойга қайддан ўтиш ҳам бирмунча осонлаштирилиши кутилмоқда. Энди хорижлик ишчилар ўзлар яшаб турган жойда қайддан ўтмасалар ҳам бўлади. Россия Президенти имзолаган қонунга кўра, муҳожирларнинг рўйхатдан ўтишдаги елиб-югуришлари анчайин камаяди. Чегарада муҳожирга тақдим этиладиган миграцион карта Россияда вақтинчалик яшаш ҳуқуқини беради. Лекин ҳозирча бу янгиликлар визасиз режим ҳақида шартнома имзоланмаган Грузия ва Туркманистон фуқароларига татбиқ этилмайди.

Қабул қилинган қонунлар бу соҳада йиғилиб қолган долзарб муаммоларни ечиш учун калит вазифасини ўтайди деса бўлади. Ҳар доим муаммоларни ечишда ана шундай икки томоннинг манфаатларига мос равишда иш кўриш лозим.

Ироқ: кимга тўй, кимга аза?..

АҚШ президенти Жорж Буш мамлакатнинг Ироқ масаласида янги стратегиясини эълон қилди. Бунга кўра, Қўшма Штатлар араб давлатига қўшимча 21 минг ҳарбий юбориши кўзда тутилган. Бироқ Оқ уй раҳбарининг янги ташаббуси Америка халқи, хусусан, мамлакат парламентининг иккала палатасини ҳам назорат қилиб турган демократик партия норозилигига сабаб бўлмоқда.

Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган

Нигоҳ

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди

Руҳоний либосидаги... жосус — Варшава диний етакчиси Станислав Вельгус истеъфога чиқарилди

Варшава шаҳри католик черкови митрополити Станислав Вельгус билан боғлиқ можаро жаҳон матбуоти диққат марказидаги воқеалардан бири бўлди. Сабаби, бу биргина Польша мамлакатига эмас, балки бутун дунёдаги католик черкови обрўсига дахлдор бўлган зиддият эди. Шундоқ ҳам Ватикан диний бошқаруви бир неча халқаро можароларга сабаб бўлиб турган бир пайтда Варшавадаги ҳодиса тутаб турган ўтни алангалатиб юборгандай бўлди.

Собиржон ЁҚУБОВ

ҲАММАСИ поёнига етган 2006 йилнинг декабрида Рим папаси Бенедикт XVI томонидан Польша пойтахти Варшава шаҳри диний раҳбарлигига Станислав Вельгус тайинланишидан бошланди. Агар тиниб-тинчимас, йўқ ердан муаммо туғдирувчи Ғарб журналистлари бўлмаганда, эҳтимол, Варшава катта ибодатхонасида Вельгус бемалол ишини давом эттириши, "авлиё ота" сифатида ваъз-насиҳатлари билан одамларни хушнуд қилиб юриши мумкин эди. Бироқ кутилмаганда, оммавий ахборот воситаларида Варшава митрополитлигига тайинланган руҳоний бир пайтлар — дунё иккита лагердан ташкил топган даврда Польша махсус хизмати билан ҳамкорлик қилгани тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Станислав Вельгус ўзи учун шумхабар, кимлардир учун хушхабар бўлган бу гап тарқаши билан, ҳақиқатан ҳам, бир замонлар махсус хизматга иши тушиб турганини тан олди. Бироқ руҳоний эҳтиёт юзасидан махсус хизмат билан ҳамкорлик қилган бўлса-да, ҳеч кимга зарар етказмаганини ҳам писанда қилиб қўйди. Ишнинг ҳозиргидек чуқурлашиб кетишини кутмаган Рим черкови раҳбари руҳонийни юқори лавозимга тайинлаётган пайтда унинг ўтмишидан хабардор бўлганини айтиб юборди. Бу эса бутун дунё католикларининг норозилигини янада кучайтирди. Боиси, Польша махсус хизмати бундан йигирма йиллар муқаддам жаҳонга таҳдид солган, даҳшатли қирғинлар сабабчиси бўлган, номининг ўзиёқ кишиларни титроққа туширган совет КГБсининг издоши, ҳаммаслаги эди. Ўз даврида коммунистик партия дастёрлари бўлган польяк жосуслари ҳам "ёт унсур"лар, "халқ душман"ларига қарши қандай ёвузликлар қилгани фақат Яратганга аён.

ОДАМЛАР дин деганда, софлик, покизалик, яхшилик, хуллас, дунёдаги жамики эзгу тушунчаларни тасаввур қилишади. Бу жиҳатдан инсоният тарихидаги ақл бовар қилмас ёвузликлар "ижодкор"и бўлган КГБ билан дин етакчисининг ҳамкорлик қилиши одамларнинг ҳайрат ва норозилигига сабаб бўлиши мутлақо табиий.

Дастлаб Станислав Вельгус махсус хизмат билан алоқа қилган бўлса-да, бирор инсонга зарар етказмаганини иддао қилган эди. Бироқ бу даъво кўпчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди: унда нима учун мақсадсиз бирор ишга қўл урмайдиган, ер остида илон қимирлашидан бохабар махсус хизмат католик руҳонийси билан ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади? Фақатгина "авлиё ота"нинг ваъзларини эшитиш учунми? Ё католик етакчисига бошқа муҳимроқ ишлар ишониб топширилганми?..

Ўтган муддат давомида баҳслар тинмади. Бу орада Польша ҳукумати Ватикан сўровига биноан Станислав Вельгус тўғрисидаги 80 бетдан иборат махсус ҳисоботни тақдим этди. Ҳисобот руҳоний диндошини фаол ҳимоя қилаётган Рим папаси Бенедикт XVI нинг шаштини туширди. Ватикан томонидан ташкил этилган махсус комиссия рад этиб бўлмас ҳужжатларга таяниб Вельгус махсус хизмат билан онгли равишда ва сидқидилдан ҳамкорлик қилган, деган хулосага келди.

ҲУЖЖАТЛАР ёнмайди, дейишади. Бу сафар ҳам бир замонлар махфий идора томонидан сақлаб қўйилган ҳужжатлар унга дастёрлик қилган одамнинг зарарига гувоҳлик берди.

Комиссиянинг салбий хулосасидан кейин дастлаб бироз шошма-шошарлик билан баёнот берган Ватикан раҳбари тилини тишлаб қолди. Чунки Рим папаси Станислав Вельгусни лавозимга тайинлаётганда унинг ўтмишидан яхши хабардорлигини эътироф этган эди-да.

Бироқ катта сиёсатда ким ўз сўзида охиригача мустаҳкам турибди дейсиз. Рим папаси ҳам у ишонган руҳоний бу қадар тубан ишлар билан машғул бўлганидан бехабар эканини айтди. Ҳарқалай, билдим деб тутилгандан билмадим деб қутулган яхшироқ.

Шу тариқа Варшава диний етакчиси ихтиёрий-мажбурий равишда истеъфога чиқди. Бироқ бу ҳодиса ортидаги баҳсу мунозаралар давом этяпти.

Станислав Вельгус махсус хизмат билан алоқада бўлган биринчи руҳоний эмас (аниқки, уни диний етакчилик ва жосуслик фаолиятини бирдай олиб борган охирги шахс ҳам деб бўлмайди). Тарихчиларнинг хулосаларига қараганда, "совуқ уруш" даврида Польша католик арбобларининг ҳар ўнтасидан биттаси махфий идорага хизмат қилган. Юқорида зикр этилган воқеа муносабати билан қилган чиқишларидан бирида Рим папаси Бенедикт XVI польякларни католик руҳонийларининг коммунистлар билан ҳамкорлигига тоқат билан муносабатда бўлиш ва аждодларга ҳурматсизлик қилмасликка чақирган эди. Ана шу даъватнинг ўзи ҳам тарихчиларнинг хулосаларини тасдиқлаётгандек...

ДАРВОҚЕ, Ватикан раҳбарияти Польшадаги ҳодиса ортида католик черкови душманлари турган бўлиши мумкинлигидан ҳам хавотирда. Ватикан матбуот хизмати раҳбари, кардинал Федерико Ломбардининг сўзларига кўра, кетма-кет рўй бераётган можаро воқеалар черковга қарши турган тузумлар томонидан уюштирилаётган бўлиши мумкин. Ўта эҳтиёткор кардинал черков ғанимлари тўғрисида очиқ айтмади, албатта. Бироқ сиёсий кузатувчилар диний етакчининг сўзларини таҳлил қилиб, у душман деганда, Польшанинг амалдаги раҳбарлари — ака-ука Лех ва Ярослав Качинскийларни назарда тутган бўлиши эҳтимолини таъкидлашмоқда.

Бу тахминда маълум асос мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Айни пайтда Польша бош вазири ва президенти лавозимларини эгаллаб турган Качинскийлар итгифоқи янги сиёсий ислоҳотлар тарафдори сифатида майдонга чиққан. Хусусан, ака-укаларнинг сиёсий дастурида давлат ва жамоат ташкилотларини собиқ махсус хизмат жосуслардан тозалаш мақсади ҳам асосий ўрин тутади...

ЭЪТИБОР берган бўлсангиз, охирги ойларда Ватикан жуда кўп халқаро можаролар марказида қолмоқда. Рим папаси Бенедикт XVI эндигина католиклар раҳбари сифатида сайланган пайтда жаҳон оммавий ахборот воситаларида асли германиялик бўлган понтифик Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар армияси таркибида хизмат қилгани тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлди. Билл Клинтон ва Моника Левинский можаросидан кам шов-шувга сабаб бўлмаган бу воқеа босдибосди бўлиб улгурмай, яна Бенедикт XVI билан боғлиқ янги зиддият юзага келди: Германиянинг Регенсбург шаҳрида қилган маърузасида Рим черкови етакчиси мусулмонларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлган, ислом дини шаънига номуносиб сўзларни айтди.

Буларнинг барчаси таҳлилчилар томонидан билдирилаётган хулосалар тўғрилигини кўрсатмоқда: Ватикан халқаро муносабатлар борасидаги сиёсатини жиддий асосда қайта кўриб чиқиши ва тўлдириши керак. Акс ҳолда, сиёсатдаги мавжуд бўшлиқлар яна кўп нохушликларга олиб келиши мумкин.

Интернет фойдаланувчилари энг кўп давлатлар

International Telecommunication Union дунёнинг энг кўп Интернет фойдаланувчиларига эга мамлакатлари рўйхатини эълон қилди. Рейтингни тузишда халқаро компьютер тармоғидан фойдаланиш борасида ҳар юз кишига тўғри келадиган аҳоли кўрсаткичи ҳисобга олинган.

1. Янги Зеландия	79,31	**6. Гренландия**	67,41
2. Исландия	76,03	**7. Жанубий Корея**	64,92
3. Швеция	75,54	**8. Австралия**	64,71
4. Мальта	75,53	**9. Финляндия**	62,91
5. Фарер ороллари	68,14	**10. Буюк Британия**	62,21

Нашр

«Ҳидоят» ҳадяси

"Ҳидоят" журналининг 11-12 сонлари нашрдан чиқди. Азиз муштарийлар, қуйида сизларга энг сара мақолалардан бир шингилини ҳадя этамиз.

Зебо АБДУҚОДИРОВА тайёрлади

11-сон

Ер марказидаги тинч ва осойишта шаҳар

Макканинг пасттекис минтақалари "Батҳо" деб номланади. Масжидул Ҳаромнинг шарқи "Муалло" деб аталади. Ундан ғарбга ва жанубга чўзилган жойлар номи "Мисфала"дир. Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Муаллода туғилганлар ва ҳижрат қилгунларича у ерда яшаганлар. Макка фатҳи асносида ҳам шаҳарга ўша томондан кирганлар.

Ҳақиқатга яқин бориш

Нисбийлик назарияси бирор жисмнинг тезлиги ёруғлик тезлигига яқин келса (ёруғлик бир секундига 3 000 000 км йўл босади), бундай вазиятда замон ва макон бутунлай ўзгариб кетади. Худди шундай воқеа Исро сурасида баён қилинган. Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) меърожга чиқиб кетаётганларида ҳужралари эшигининг қимирлаб қолган зулфини қайтиб тушганларида ҳам силкиниб турган экан. Ваҳоланки, шу бир он ичида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Қуддус шаҳрига бориб қайтганлар, у ердаги Ақсо масжидида икки ракат нафл намоз ўқиганлар, сўнг етти қат осмонга кўтарилганлар, қайтишларида эса, оқ туя бошчилигида карвон келаётганини кўрганлар ва ҳоказо.

Муҳсин ВАЛИХОНОВ

12-сон

Яхшилигимиз ўзимизга қайтади



Хайру саховат туфайли инсон бу ўткинчи дунёда туриб, охиратга заҳира йиғиши, жаннатда тайёрлаб қўйилган неъматлардан насибадор бўлиши мумкин. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) марҳамат қиладилар: "Ким хайру саховат қилиб, кийимга муҳтож кишини кийинтириб, хурсанд қилса, Аллоҳ саховатли инсонни жаннат кийимлари билан кийинтиради. Ким егуликка муҳтож, оч кишини тўйдирса, таомлантирса, жаннатдаги таомлардан сероб бўлади".

Мирниёз ҲАМИДЗОДА

Миссионерлар кимлар ва уларнинг асосий ғоя-мақсадлари нима?

Хўш, бу миссионерлар ўзи аслида ким?

Ҳар ким бўлиши мумкин, аммо дин одами эмас! Ҳатто христианлик нуқтаи назаридан қаралганида ҳам, улар росмона диндор эмас! Миссионерликка махсус ўқитилган турли касб эгаларидир.

Асосий мақсадлари ҳам динсиз бир миллатни динга киритиш эмас, балки мусулмон фарзандларини, кўп сабабларга кўра ҳақ динлари таълимотидан хабарсиз қолган ҳолатидан фойдаланиб, Исломдан чиқаришдир! Ҳа, улар бизни христиан қилмоқчи эмас, балки Ислом динимиздан чиқармоқчи, холос!

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

ННТ

"Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташкил топганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ўз олдига фан, маданият ва таълимни ривожлантиришдек эзгу мақсадни қўйган нодавлат бирлашма 2004 йилнинг февралида тузилган эди. Ўтган икки йиллик муддат давомида Fundforum.uz томонидан мамлакат маданий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлган бир қатор йирик лойиҳа ва дастурлар амалга оширилди, юртимиз ёшларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган жамғарма жуда тез муддатда тилга тушди.

МУХБИРИМИЗ

FUNDFORUM.UZ:
ЮНЕСКО эътироф этган жамғарма

Жамғарма томонидан амалга оширилаётган барча лойиҳалар миллатнинг бир замонлар дунё фанини ёритган қудратли ақлий салоҳиятини уйғотиш, мамлакат ижодий кучларини бирлаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистоннинг бой ва қадимий маънавий мероси, замонавий илм-фани билан таништириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

«Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳозирга қадар турли кўргазмалар, театр ва кино фестивалларини, халқаро симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш орқали юртимиз маданияти ва санъатининг халқаро майдонда эътироф этилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Очиғи, нодавлат ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган аксарият тадбирлар юзакилиги туфайли шунчаки ҳисобот учун ўтказилгандай таассурот қолдиради. Бироқ «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» анжуманлари умуман ўзгача руҳда — жонли ва самимий ўтади. Асосийси, ташкил этилаётган ўнлаб тадбирлардан кўзга кўринарли амалий натижа ва ижобий самара мавжуд. Балки шу боисдир, жамғарма жуда оз муддатда юртимиз маданият ва санъат аҳли ҳамда ёшларининг бошини қовуштирувчи етакчи ташкилотлардан бирига айланди.

Ўтган муддат давомида жамғарма ёдда қоладиган ўнлаб лойиҳаларни амалга оширди. Масалан, «Янги авлод» болалар ижоди фестивали, «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъати фестивали тез фурсатда кенг жамоатчилик эътиборига тушди. Бутун мамлакат миқёсида ташкил этилаётган «Келажак овози» мегатанлови эса юртимизнинг минглаб ёшларини бирлаштирмоқда, маданият ва санъатнинг турли йўналишларида иқтидор эгаларини кашф этишга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми»нинг ўтган 2006 йилги фаолиятига назар ташлаганда, жамғарма ўз олдига қўйган мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида самарали ишлаганига амин бўлиш мумкин.

Ўтган йилда жамғарма томонидан мамлакатимизнинг турли шаҳарларида 31 та йирик ёшлар акцияси ўтказилди. Булардан «Келажак овози» II Республика иқтидорли ёшлар танлови пойтахт Тошкентдан тортиб юртимизнинг чекка ҳудудларида яшаётган замондошларимизга қадар — бутун мамлакатни қамраб олди.

Шунингдек, Fundforum.uz шафелигида мамлакатимиз вилоятларида 20 га яқин хайрия тадбири уюштирилди. Жамғарма концертлар, фестивалларни, кўргазмалар ташкил этиш баробарида Россия, Япония, Бельгия, Люксембург каби давлатда ўндан ошиқ халқаро лойиҳаларни ҳам амалга оширди. 2006 йилнинг январь-февраль ойларида Люксембург ва Бельгия давлатларида ташкил этилган «Ўзбек фотографиясига 125 йил» кўргазмаси миллий маданиятимизнинг халқаро майдондаги ўзига хос тақдимоти бўлди дейиш мумкин. Кўргазмада мамлакатимизнинг 150 дан зиёд фото усталарининг асарлари намойиш этилди.

Fundforum.uz ўтган йилда ўз фаолиятини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Ана шу мақсадда жамғарма томонидан Тошкентда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Болалар санъати ва ижодиёти маркази ташкил этилди. Шунингдек, халқаро алоқаларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаётган жамғарма Японияда ўз ваколатхонасини очди.

«Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» йилдан йилга ўз фаолият доирасини кенгайтириб бормоқда. Агар жамғарма илк фаолиятини йўлга қўйган даврда фақат миллий маданият ва санъат йўналишида иш олиб борган бўлса, эндиликда ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган 2006 йилда нодавлат бирлашма томонидан таълим соҳасида 3 та йирик дастур амалга оширилди. Хабарингиз бор, 2005 йилдан буён жамғарманинг Таълим грантлари дастури амалга ошириб келинаётган эди. 2006 йилдан «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» таълим лойиҳаларига Иқтидорли талабалари учун стипендиялар дастури ва Педагогик грантлари дастури ҳам қўшилди.

Жамғарма матбуот хизмати маълумотларига кўра, Таълим грантлари дастури доирасида мамлакатимиз миқёсида 44 нафар талабага ўртача 500 минг сўм ҳажмида грант берилди. Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури бўйича эса 100 нафар ғолиб 2006-2007 ўқув йили давомида ҳар ойга 35 минг сўмдан стипендия оладиган бўлди.

Умуман, ўтган йили жамғарма томонидан амалга оширилган турли лойиҳалар доирасида 256 та грант ажратилди, бу мақсадда 88 миллион сўм сарфланди.

Айни пайтда «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Москва, Пекин, Токио каби шаҳарларда ўз ваколатхоналарига эга. Шу йилнинг бошларида нодавлат бирлашма Франция пойтахти Парижда ҳам ўз ваколатхонасини очишни режалаштирмоқда.

Яна бир қувончли хабар. Яқинда маданият, санъат ва илм-фан соҳасида дунё миқёсидаги етакчи ташкилотлардан бири саналган ЮНЕСКО «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасини расман ҳамкорликка таклиф этди. Бу эса, жамғарма мамлакат маданият ва санъатини ривожлантириш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларнинг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. *Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".*

Суҳбат

«Мусиқа экологияси»

уни бузганлар ҳам жаримага тортилса...

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ихтисослашган илмий-тадқиқот маркази раҳбари Отаназар МАТЁҚУБОВ билан бўлган суҳбатимизни сизга илиндик, азиз муштарий.

Суҳбатдош: **Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ**

— Отаназар ака, гапни иқтисодий масаладан бошласак. Мамлакатимиз қонунчилигида гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этилган, жисмоний шахслар ҳам бундай фаолиятдан олинган даромадларидан солиқ тўламайди.

Шу билан бирга гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланадиган шахслар ўз рейтинг гуруҳларига боғлиқ ҳолда бир йил давомида энг кам ойлик иш ҳақининг 15 каррасидан 150 каррасигача, яъни ойига ўрта ҳисобда 15525 сўмдан 155250 сўмгача миқдорда давлат божи тўлайдилар.

Бунда жиддий имтиёз ҳам назарда тутилган бўлиб, унга кўра рейтингнинг IV гуруҳига киритилган, фаолиятини бошлаётган шахслар томонидан улар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб биринчи йилда, агар «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бундай имтиёз беришни лозим топса, бож тўланмайди. Санъат соҳасида фаолият юритаётган шахслардан солиқ олиш масаласига қандай қарайсиз?

— Белгиланган бож миқдорлари иқтисодий жиҳатдан қанчалик мақбул – бу ҳақда, мутахассис бўлмаганим сабабли, бир нима дейишим қийин. Аммо, ҳаётдан келиб чиқсак, божни тўлаш санъаткорларимиз учун оғир бўлмаса керак. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳам санъаткорларимизнинг рейтинг гуруҳларини холисона белгилайди, улар тўлашлари лозим бўлган бож миқдорлари оқилона аниқланади деб ўйлайман.

Санъаткорларга, таъбир жоиз бўлса, юртнинг эркатойлари деб қаралади. Шу билан бирга уларнинг ижод қилишлари учун яхши шароитлар яратилгани боис масъулияти ҳам шунга яраша бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг зиммасидаги энг асосий масъулият – моддий манфаатни кўзлаб ўз фаолиятида сунъийликка, сохталикка берилмаслик, санъатсеварларнинг муайян қатламлари паст дидига хизмат қилиб паст кетмасликдан иборат.

Таассуфки, истеъдоди юқори бўлмаган шахслар замонавий техник воситалардан фойдаланиб, сохта-сунъий асарлар яратишда ва ижро этишда кимўзарлик

Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров ва Отаназар Матёқубов. 1987 йил.

қилиб, теғишли ҳомийлар ёрдамида санъатсеварларнинг диққатини ўзига қаратадилар. Ҳақиқий санъат мактабини ўтаган, фавқулодда истеъдод эгалари эса бундай қилишни хоҳламайдилар, моддий жиҳатдан мутеъликдан қочиб баъзан танбур-дуторини қўйиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга мажбур бўладилар.

Ўйлайманки, кейинги пайтларда ҳақиқий санъат билан сохта санъатнинг фарқига бораётганлар сони кўпаймоқда. Ҳақиқий истеъдодлар қўллаб-қувватланадиган шароит яратилмоқда. Масалан, ҳозир концертларда фонограммадан фойдаланиладиган бўлса, бу ҳақда, албатта, афишаларда ёзилиши керак. Бу талаб сохта-сунъий санъат йўлига қўйилган жиддий тўсиқ деб ҳисоблайман. Асл санъат шайдолари фонограммага бормайди. Ҳақиқий мусиқа санъатини қўллаб-қувватлаш ҳуқуқий жиҳатдан ташқари жамиятимизнинг мусиқий маданияти савиясига ҳам боғлиқ.

— Дарвоқе, "Экономическое обозрение" журналининг 2005 йилги сонида чоп этилган интервьюингизда сиз ўзбек мумтоз мусиқасини, хусусан мақомларимизни бундан-да оммавийлаштириш учун оммонинг мусиқа маданияти умумий даражасини кўтариш лозим деган фикр билдиргансиз. Шу ўринда умуман "мусиқа маданияти даражаси" тушунчасига изоҳ бериб ўтсангиз...

— Мусиқа инсонларни руҳий юксалишига хизмат қилади. Ижро этилаётган қўшиқ меҳр-муҳаббат, эзгулик, олижаноблик, бошқаларга ҳурмат, бағрикенглик мезонларига мос келиши мусиқа маданиятининг кўрсаткичларидандир.

Мусиқа маданиятининг даражаси билимлар билан ҳам ўлчанади. Масалан, мақомларимизнинг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи, уларнинг халқимизнинг маънавий ҳаётидаги ўрни, ижро этиш усуллари, ғазал сўзларининг маъносини билиш – бу, шубҳасиз, мусиқа маданияти тушунчасига киради.

Тариҳдан яхши маълумки, мақомлар фонограммада, ҳаттоки микрофон ёрдамида ҳам айтилмаган. Яширишнинг ҳожати йўқ: ҳозирги кўпчилик "санъат юлдузлари"нинг мақом ижро этишга овоз кучи, маҳорати, истеъдоди етишмайди...

Мен мумтоз санъат билан замонавий санъатни қарама-қарши қўймоқчи эмасман. Асл санъат нуқтаи назаридан бундай қарама-қаршилик умуман бўлиши ҳам мумкин эмас. Гап асл санъат билан сохта-сунъийликни фарқлаш тўғрисида кетяпти.

Афсуски, бизга четдан кўп миқдорда кириб келаётган, қолаверса, ўзимизда ҳам яратилаётган қўшиқлар ҳатто оддий ахлоқ-одоб талабларига жавоб бермайди.

— Сохта (фонограмма, компьютерда ишлов берилган) мусиқа санъати кенг тарқалаётганлиги сабаби нимада деб ўйлайсиз? Ёки бу муаммо эмас, балки табиий ҳолми?

— Истанг-истаманг, компьютер технологияси ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаяпти. Эндиликда бундай техника монополияси, айтайлик, 80 кишилик оркестрни ҳам секин-аста суриб чиқараётганлиги сир эмас. Бу ҳолатни маълум даражада объектив зарурат деб қабул қилиш мумкиндир, аммо уни батамом оқлаш айтарли даражада маъқул эмас. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқий санъат асло ўлмайди. Замонавий техника эса асл санъатнинг майдонини торайтирмаслиги керак.

— Бунинг учун, сизнингча, нима қилиш лозим?

— Биласизми, санъаткорни кўриб туриб, унинг асл овозини эшитиб, чиройли, маҳорат билан ижро этилган қўшиқни тинглаган одам – у хоҳ ёш, хоҳ ўрта ёш ёки хоҳ кекса бўлсин – ҳеч қачон жонсиз овоздан, яъни фонограммадан баҳра олмайди, ундан қониқмайди ҳам. Муаммо шундаки, ёшларимиз у ёқда турсин, ҳатто катта ёшдагилар ҳам ҳозир жонли овоз, мусиқа асбобларининг жонли янграшини ҳис қилмайдилар ёки унутаёзганлар. Демак, санъаткорларимизнинг, телевидение, радио, маданият соҳаси ходимларининг олдида одамларга мусиқа санъатининг жонли овозини етказиш, уларда жонли овоз дидини шакллантириш, тиклаш бугуннинг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Афсуски, уларнинг айримлари айни вақтда бунинг тескарисини қилишяпти – фонограмма, техник воситалар билан ишлов берилган, товуши сунъий кучайтирилган сохта санъатни тарғиб қилишяпти.

Сохта мусиқа санъати инсоннинг руҳига салбий таъсир кўрсатади, уни "транс" ҳолатга тушириб, инсоний фазилатларини сусайтиради. Тасаввур қилинг: залда фонограммада қўшиқ айтиляпти, мусиқа асбобларининг овози техник воситалар билан ҳаддан ташқари кучайтирилган, устига устак саҳнадаги "юлдуз", "севимли санъаткор" бизнинг менталитетимизга, одатларимизга мос бўлмаган тарзда қийинган, ҳаракатлари эса на миллий санъат қоидаларига, на умуминсоний ахлоқ-одобга тўғри келади... Залдагилар эса завқланиш, ҳузурланиш, дам олиш учун келганлар, уларнинг қалбларида санъатга талаб, худди чанқаган одамга сувдек зарур... Бу ҳолатда улар: ҳа, шу санъат экан-да деб, сохта санъатга сунъий равишда, мажбуран берилиб, "транс" ҳолатга тушиб қоладилар ва уларда ҳақиқий санъатга бўлган дид йўқола боради. Айниқса, бу ҳолат ёшларимизга тегишли.

— Тўйларда қўшиқ ва мусиқа ижросида техник воситаларга ҳаддан ташқари зўр берилишига қандай қарайсиз? Бу мусиқа маданиятсизлиги эмасми?

— Ҳақ гап. Бугунги аксарият тўйларимизда мусиқа асарларини ижро этишда техник воситалар ёрдамида овозни меъёридан ортиқ кучайтириш қоида тусига кирганлиги одамни беихтиёр ўйлантиради. Бу ҳол асл санъатга зиддир.

Товуш кучи децибел билан ўлчанади. Товуш децибелининг нормадан оширилиши инсон психикасига жиддий салбий таъсир кўрсатиши тиббий жиҳатдан исботланган.

Алкоголизмга, наркоманияга қарши курашамиз, аммо мусиқа ва қўшиқларни ижро этишда сунъийликка ҳам қарши курашиш пайти келмадимикин? Масалан, хазонни ёққан, сувни ифлослантирган одамга жарима солиш, жавобгарликка тортиш сингари ҳуқуқий таъсир чоралари белгиланган. Овоз децибелини нормадан ошириш, ҳосил қилинган шовқиннинг инсон организмига салбий таъсири учун ҳам жавобгарликка тортиш керак. Буни эҳтимол "овоз экологияси" қоидасини бузганлик учун деб аташ мумкин бўлар.

Эндиликда бундай фаолият турларини ҳуқуқий тартибга солиш фурсати етди назаримизда. Шундагина, ўз-ўзидан уларнинг сараси саракка, пучаги пучакка ажраб қолади. Овоз кучайтиргичлардан фойдаланиш нормалари, улардан нотўғри фойдаланишнинг инсон саломатлигига таъсири, яъни "овоз экологияси" муаммоси хусусида маданият ва соғлиқни сақлаш каби вазирлик ёки идоралар тегишли қарорлар ишлаб чиқса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

— Миллий қўшиқчилик санъатининг ҳар бир ҳудудда ўзига хос йўллари, услублари бор. Ушбу ўзига хос усулларда замонавий асарлар яратилиши хусусида фикрингиз қандай?

— Миллий қўшиқчилик санъатимизнинг ҳар бир ҳудудда ўзига хос йўллари, услублари борлиги бу катта, умумий бойлигимиз. Бу усуллар ўзаро таъсир кўрсатиб, доимо бир бирини бойитиб борган. Ўз вақтида Хоразмнинг машҳур ҳофизлари – Ҳожихон, Шерозийлар Фарғона-Тошкент, Бухоро йўлларида қўшиқлар ижро этиб, Хоразмда расм қилганлар. Жўрахон Султонов каби ижодкорлар эса Хоразм сувораларини, ферузларни Фарғона-Тошкент услубига мослаб янги бир қиёфада намойиш этган санъаткор ҳисобланадилар.

Ҳозир ҳам устоз санъаткорларимиз ва иқтидорли ёш хонандаларимиз ҳар хил йўналишда юқори маҳорат билан ижод қиладилар.

Шу билан бирга айрим хонандаларимиз ҳар бир усулнинг ўзига хослигини намоён этишда етарли даражада масъулият сезмайдилар. Саёз, енгил-елпи ижро эса маданий-маънавий бойлик даражасидаги ўзига хосликни нуқсон даражасига келтириб қўяди. Масалан, хоразмча усул шўх, чаққон экан деб, бу усулда янги айтишувлар тўқишади, рақсларга асл санъатимизга хос бўлмаган ҳаракатлар киритишади. Менинг назаримда, бундай асарлар сирасига "олмо"-"солмо", "Хоразмга"-"нозанинга" сўзларини қофия қилиб тўқилган қўшиқларни, рақсаларимиз тизгинлаб ёки ётиб олиб рақсга тушишларини киритиш мумкин. "Ҳовуз бўйинда чакар, ёримни лаби шакар", "Икки кўнгил бир бўлса, совчи деган на керак" деган сўзларда ва айрим хореографларимиз кашф этаётган "хоразмча рақс"ларда эса миллий санъатимизга хос майинлик, нафислик, андишалилик, юксак руҳ ўрнига Ғарб санъатининг паст, енгил йўналишларига хос бўлган беҳаёлик аломатлари бордек туюлади.

Баъзида миллий усулда ижро этилган қўшиқлар бўйича мусиқий кўрсатувларда хонанда миллий кийимда (бу яхши), лекин жуда ярқирайдиган саҳнада, курсида ўтирган ҳолатда чиқади. Унинг устига яна фонограммада айтади. Бу ҳам камдек, аёл хонанда бўлса, афт-башарасини шу даражада бежаб пардоз берган бўладики, қўшиқ айтиб томошабинларга маънавий озуқа бериш учун эмас, балки ўзининг косметика бўёқларини кўз-кўз қилиш учун чиққандай туюлади. Оператор ҳам хонанданинг кўз-қошини, қоматини кўпроқ кўрсатади. Ўйлайманки, хонанда миллий кийимда бўлса ҳам оддийроқ кийинса (зартўн бўлиши шарт эмас), саҳна эса жуда ранг-баранг безатилмаган бўлса ва энг муҳими фонограмма эмас, хонанданинг жонли ижроси бевосита тўғридан тўғри намойиш этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Назм

Бир умр вафонинг ғамини едик

Турсунбой ОЧИЛОВ

Сирға

Мактабда битирув имтиҳонлари давом этаётганда мен пинҳона кўнгил қўйиб юрган синфдошим ийманибгина ёнимга келди. Қулоғидаги бамисоли шапалоқдай-шапалоқдай келадиган оловранг, қадимий сирғаларни кўрсатиб: "Бу сирғалар менга момомдан мерос. Буларни тақиб имтиҳонга киришга хижолат бўляпман. Илтимос, бир соатга шуларни сизга омонат қолдирсам. Сиздан бошқа ҳеч кимга, ҳатто энг яқин сирдош дугонамга ҳам кўзим қиймади", дедида, менинг жавобимни ҳам кутмасдан сирғаларни бир ширин титроқ ила ечганича шундоққина кафтимга қўйди ва юзлари лов-лов қизариб, имтиҳон хонаси томон чопиб кетди.

Мана, орадан ўнлаб йиллар ўтган бўлса ҳам, ўша оловранг сирғалар ҳамон қўлим кафтларини, юрагимни, жону жаҳонимни ёндириб турганга ўхшайди...

Ёрим, сирғаларинг оловмиди? Қўлларимни куйдирди-я,
Жодумиди, бир умрга сени жондан суйдирди-я?
Юрагимга сенинг жонинг ўчмас қилиб ўйдирди-я,
Қирқ йилдирки, ҳис этаман унинг сирли тафтларини,
Олов бўлиб куйдирмоқда ҳамон қўлим кафтларини.

Ўша кундан тақдиримни севгинг билан боғлаганман,
Висолингга гадо бўлиб, юрак-бағрим доғлаганман.
Мен ўзимни ишқ йўлинда ҳар балога чоғлаганман,
Бўсам билан зарб этганман унга вафо ҳарфларини,
Олов бўлиб сирғанг ҳамон куйдирмоқда кафтларимни.

Хатлар ёздим — бадар кетди, ёндирдингми ўчоғингда?
Балки ҳануз тутқундадир сандиғингда, кучоғингда?
Мен бечора жавоб кутиб, яшаяпман ишқ доғинда,
Сенга жондан ишонгандим, билмагандим бопларингни,
Сирғанг ҳамон куйдирмоқда гўёки қўл-кафтларимни.

Энди билсанг, бахтим кетди момомерос зирагингда,
Ёким уни йўқотдингми? Жавоб айла сўроғимга.
Ўша сирғанг тинчлик бермас маҳшаргача юрагимга...
Кечир, нигор, Турсунбойнинг кўнгил ўртар гапларини,
Нетай, сирғанг куйдирмоқда ҳамон юрак, кафтларимни.

Шул сирғангга муҳрланиб, изи қолган лабларимнинг!

Севги деб ёнганлар

Севги деб ёнганлар бизча бўлар-да,
Қисматдан тонганлар бизча бўлар-да.
Висол онларидан маҳрум этилиб,
Андуҳга қолганлар бизча бўлар-да.

Бир умр вафонинг ғамини едик,
Аслида айрилиқ ҳукмида эдик.
Рақиблар бўйинга пичоқ қўйса ҳам,
Жўр бўлиб: "Муҳаббат! Муҳаббат!"— дедик.

Севгини этмадик элга овоза,
Юраклар қатида сақладик тоза.
Номус ва виждонни сотиб яшашдан,
Вафо деб ўлмоқлик қанчалар соз-а!

Ҳеч кимса билмади ёрлигимизни,
Садоқат даҳрида хорлигимизни.
Эҳтимол, Худо ҳам буткул унутди.
Бизларнинг дунёда борлигимизни?..

Ҳайрат

(Яккабоғлик рассом Сойиб Эшдавлатовга)

Яшайсиз гўзаллик оғушида маст,
Хаёл тулпорида дунё кезасиз.
Табиат билан гоҳ боғлашганча баҳс.
Тоғнимас, ҳайратнинг расмин чизасиз.

Рангларки минг хилда жило этиб кашф,
Сизнинг амрингизга турар мунтазир.
Ҳатто ўз муқаддас бурчин унутиб,
Сувратдан жой олар Қуёш ҳам ҳозир!

Ана, кенг полотно даҳрига сиғмай,
Ҳақиқий ҳаётга ошуфта бола –
Берилиб завқ билан чалганча най
Сизга дил изҳорин этар ҳавола.

Қоп-қора булутли баҳорий осмон...
Чақмоқ чақаётир унсиз гулдираб.
Тоғлар ўнгиридан юраклар томон
Жилғалар оққандай бўлар чулдираб.

Мана, бу тасвирда жаннат — юртимиз,
Ўзгача ҳуснга бўлмиш ғарқ — асир...
Расмлардан дилни қоплаб ётган муз
Кўзёшга айланиб эригай, не сир?

Ҳар бир манзарада келтириб ҳавас,
Гўзаллик барқ урар ҳайратлар оша.
Мойбуёқ даҳриндан, ажаб, бизлармас,
Гўзаллик қилгандай бизни томоша!

Яккабоғ тумани

ҲажвNews

Жиззакий, "Hurriyat"нинг текин мухбири

Олти боқий мезон

"ВайсақиFM" радиоси бошловчилари энг даҳшат эстрада қўшиқларини аниқлаш учун меъёрий ҳужжат ишлаб чиқишди. Унга кўра хит (каттиқроқ ўқилсин) бўлган қўшиқ 6 та "бе"лик категорияга жавоб бериши керак. Булар қуйидагилар:

1. **Бемаъни**
2. **Бетамиз**
3. **Бетаъсир**
4. **Бемаза**
5. **Беҳаё**
6. **Бетайин**

Ҳужжат ижодкорларининг айтишича, муайян қўшиқ "бетутуруқ", "бефойда", "бетартиб" каби қўшимча мезонларга ҳам жавоб берса, одамлар уни эшитиб янада хит бўлар экан.

"Hurriyat" мусаҳҳиҳи:

Муаллиф адашган, шекилли, юқоридаги "бе"лар аслида "ба" эди, бу ерда қўйларнинг эмас, одамларнинг қўшиғи ҳақида гап бораётганини вақтида пайқаб қолиб, услубий ғализликка барҳам бердик.

Бир жуфт ханда

— Хотинимнинг жаҳли чиқса "Ўзимни ўлдираман!" деб жар солади.

— Қанийди, меники ҳам шундай деса, унинг жаҳли чиқса, "Сени ўлдираман!" дея ёқамга ёпишади.

***

— Онаси, кеча мени тўйдан ким уйга олиб келди?

— Уйланган йигитнинг дадаси эшакка миндириб келди.

— Тавба, умримда эшак минмаган бўлсам, мени эшакка қандай қилиб миндиришди экан-а?

— Аввалига унамабсиз, кейин "Бу самолёт, қўрқмай минаверинг", деганларидан сўнг минибсиз.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Телевизор «жинни»си.

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

Хафта ҳикмати

Хато қилиш эркинлигини ўз ичига олмаган эркинлик бир тийинга қиммат эркинликдир.

Маҳатма ГАНДИ

Мутолаа

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

Маънавиятимиз ганжинаси

Ўтган асрнинг 90-йилларида зукко исломшунос Шамсуддин Бобохонов Имом Бухорий ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш билан жиддий шуғулланиб қолди: ўнлаб манбаларни кўздан кечирди, араб давлатларида муҳаддис ҳақида ёзилган китобларни ўқиб чиқди, олимнинг ахлоқ-одобга доир "Ал-адаб ал-муфрад" китобини мутолаа қилди. Натижада Имом Бухорийнинг ҳаёт йўли, ижодий мероси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлди. Ана шу жараёнда унда "Ал-адаб ал-муфрад"ни ўзбек тилига таржима қилиш иштиёқи туғилди. Ва ниҳоят асардан 600 та ҳадис таржима қилинди, уларга зарур шарҳу изоҳлар тузилди; унга Имом Бухорийнинг машаққатга тўла ҳаёт йўли, ижодий мероси ҳақида нисбатан тугал мақола илова қилинди.

Таржима ўша вақтдаги "Хазина" нашриётининг директори Асрор Самад хайрихоҳлиги билан 200 минг нусхада чоп этилди. Инсон маънавиятининг барча жиҳатлари — имон-эътиқодда собитлик, ҳалолу поклик, илм ўрганиш, ростлигу дурустлик, ҳалол ризқ топиб ейиш, қўшни, қариндош, ака-ука, опа-сингилларга, ота-онага, дўстларга меҳрибон бўлиш сингари кўплаб масалалар хусусида ўгит берадиган, йўлнизом кўрсатадиган бу китоб тез тарқалиб кетди, ахлоқий-таълимий дастурул амал бўлиб қолди.

Аллоҳга минг шукрким, ношир Эркин Юсуповнинг сайъ-ҳаракати билан "Ал-адаб ал-муфрад"нинг 16 йилдан сўнг мукаммал нашри юзага келди. Маълумки, ушбу китобда пайғамбаримизнинг 1365 ҳадислари жамланган. Ноширнинг илтимосига кўра, китобнинг 272-бобидан охиригача Нўъмон Абдумажид аслиятдан ўзбек тилига ўгириб берган. Таржимонлар ҳар бир ҳадиснинг том маънодаги панднома — ҳикмат даражасини сақлашга, айни пайтда мўъжазбаёнлигу она тилимиз сеҳрини намойиш этишга муваффақ бўлган; уларни ўқиган китобхон оламжаҳон маърифат, маърифий илм олади. (Имом Бухорий, Ал-адаб ал-муфрад, Мовароуннаҳр, 2006, ношир — Эркин Юсупов.)

Ушбу нашрнинг фазилатларидан бири унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Эътиқодга бахшида умр" бадиасининг илова қилинганлигидир. Зероки, адиб мақолада, бир томондан, бу кўҳна Тошкентда қадимул айёмдан исломий билимлар ривожланганлиги, исломий таълимнинг барча босқичларига ҳамма замонларда алоҳида эътибор берилганлиги ҳақида юзлаб далиллар келтирган; шаҳарнинг ўтмиши, даҳалари хусусида қизиқарли маълумотларни баён этган; шу минтақадан етишиб чиққан алломалар борасида фикр юритган. Бу мулоҳазалар замиридаги баъзи шахслар ҳақидаги тафсилотлар бошқа китобларда битилмаган. Иккинчидан, муаллиф собиқ Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон диний назорати, ҳозирги Ўзбекистон мусулмонлари идораларига 46 йил раҳбарлик қилган Эшон Бобохон ибн Абдумажидхон, Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон, Шамсиддин Бобохоновларнинг ҳаёт йўли, мероси ва фаолияти, шажарасини анча батафсил ёритган, уларнинг Шарқда ислом дини тараққиётига қўшган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаган. Хуллас, ушбу мақола китобхонга Имом Бухорий, Тошкент тарихи, мазкур манзилгоҳда яшаб ижод этган олимлар, уламолар ҳақида маълумот беради, эстетик завқ бағишлайди; ўз шаҳарлари билан фахрланиш туйғусини инъом этади.

Китоб охирида матнларда зикр этилган баъзи муҳаддислар ҳақида олим Асрор Самаднинг анча мукаммал изоҳлари илова қилинган; тушунилиши қийин сўз ва иборалар лўнда тарзда шарҳланган.

Бизнинг қадим аждодларимиз ҳадис илми тараққиётига энг кўп ҳисса қўшган. Етти буюк муҳаддиснинг бештаси биз-нинг бобокалонларимиз эканлиги бунинг исботидир. Шунинг учун ҳар қандай заҳмат олқишга сазовор. Ношир Эркин Юсуповнинг академик Алибек Рустамов, шайх Абдулализ Мансур, ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов, филология фанлари номзоди Асрор Самад, Жамолиддин Бобохонов ва бошқалар билан ҳамкорликда Имом Бухорийнинг "Ал-адаб ал-муфрад" асарини — маънавиятимиз зарварақларини кўп нусхада ўз меросхўрларига етказиши улкан савоб ишдир.

O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-51 Т: 4160 2 3 4 5